


Австралидаги масжид энг замонавий дизайндаги масжид деб эътироф этилмоқда



16:15 / 11.06.2019 2347

«Панчбоул» масжиди Австралиянинг Сидней шаҳри ҳудудида барпо этилган йирик меъморий обида ҳисобланади. Масжид замонавий дизайни ва меъморчилиги билан бутунлай ананавий масжидлардан ажралиб туради, деб хабар беради Designboom нашри. Маълум бўлишича, Австралия ислом миссияси томонидан барпо этилган ушбу масжид қурилиши учун қарор 1996 йилда қабул қилинган. Бироқ қуриш учун бериладиган лицензияни олишга маҳаллий ҳокимликдаги бюрократик тўсиқлар туфайли 17 йил керак бўлди. Мутлақо янгича усулуб ва дизайнда барпо этилган ушбу масжиднинг умумий майдони 550 кв. метрни ташкил этади. Масжиднинг ичида 300 киши ибодат қилиш имкониятига эга.



Islom.uz портали таҳририяти